



O'zbekiston adabiyoti va san'ati

ЎЗБЕКИСТОН АДАБИЁТИ ВА САЊАТИ Haftalik gazeta • 1956-yil 4-yanvardan chiqa boshlagan e-mail: uzas@h2c.uz 2011-yil 22-iyul • №30 (4116)

САМАРҚАНД ЗИЁРАТИ

Кўш узли трасса ёхуа "Афросиёб" ўйли

Эрта тонгда йўлга чиққан "Регистон" тезорари пойтахт ва унинг атрофидаги шаҳар-қишлоқларни ортда қолдириб шамолдай ёлиб бораркан, баногох, тезлик бироз сусайгани ва кўп ўтмай қайсидир бекатга етмай тўхтаганимиздан ҳайрон бўламиз: "Бу экспресс бирон жойда тўхтамасди-ку?.."

Шу чоқ вагонлар узра: "Хурматли йўловчилар! — деган ёқимли овоз янграйди. — Тошкент-Самарқанд маршрутида "Афросиёб" поезди қатнови йўлга қўйилиши муносабати билан темир йўлда қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда. Вақтинчалик ўнғайсизлик учун узр сўраймиз. Йўлингиз оқ, вақтингиз чоғ бўлсин!".



Бу хабарни эшитган ҳамроҳларимиз янгликни хушнудлик ила шарҳлай бошлашади:

— Самарқандга энди уч ярим соатда эмас — атиги икки соат, йўқ-йўқ ундан ҳам тез — бир соату эллик дақиқада етиб борарканмиз-да, — шодлигини баҳам кўра бошлайди Миллий университет қабул хайъатига ҳужжатларини топшириб қайтаётган шахрисабзлик Олимжон. — Самарқанддан уёғи бизга "Нексия" да бир соатлик йўл — доvon ошамиз-қўямиз...

Кечагина академик лицейни аъло баҳога битириб, олий илм даргоҳига ўқишга киришга шайланаётган ўсмир йигитчанинг юз-кўзидаги қувонч бошқаларга ҳам кўнади.

— Мана бунд байрам совғаси деса бўлади, — дейди собик курсдошлар таклифи билан Самарқанд сайрига бораётган Сайёра, Дилором ва Муаттарлар яқдиллик билан. — Дугонажонлар, ўша соатига икки юз эллик километр йўл босадиган, самолётдай учқир поездни ҳам бир кўриб, улуг боболаримизни зиёрат қилиб кетамиз, нима дейсизлар?

Дугоналар бир-бирини қўтлашади: "Қаранг, бир куннинг ўзида Самарқанднинг барча қадамжоларини зиёрат қилиб улгурганга нима етсин! Ҳозиргига қараганда яна тўрт соат қўшимча вақтга эга бўларканмиз!".

Олимжоннинг "Нексия"да шундоққина доvon ошамиз-қўямиз", деган сўзларини эшитиб, бундан қирк беш йил бурун ўзининг ҳам мазкур университет талабаси бўлиш учун Қашқадарёдан доvon ошиб Самарқандга келган кунларим эсга тушади. Ушанда Тошкентда зилзила бўлиб, пойтахт университети жанубий вилоятлардан талабаларга номзодларни Самарқандда саралаб олганди. Июл ойининг айни шу кунлари эди. У пайтлар Самарқандга поездда Бухорони айланиб, машинада эса Шахрисабз ва Китоб орқали Тахтиқорача доvonидан ошиб келинарди. Доvonдан автобус эмас, бортнинг четига тахта-ўриндик қоқилган киракаш юк машина катнарди. Йўл оғир ва қўрқинчли эди. Баланд қоялару тубсиз даралар ёнидан нафасимизни ичимизга ютиб, унда-бунда фалокатга учраб абжаги чиққан уловлар қолдирига нигоҳ ташламай ўтиб кетишга ҳаракат қилардик...

Давоми иккинчи саҳифада.



Рустам ШАҒАЕВ, (ЎЗА) олган суратлар.

ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРДА

Ўзбек ва корейс тилларидаги "XX аср ўзбек шеъриятдан намуналар" ("Адиб" нашриёти — 2011) ҳамда ўзбек ва англис тилларидаги "Қалбим сизга интилади" (Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти — 2011) китоблари халқаро адабий алоқаларни ривожлантириш борасидаги саъий-ҳаракатлар маҳсулидир. "XX аср ўзбек шеъриятдан намуналар" китобида миллий шеъриятимизнинг Чўлпон, Ғафур Ғулом, Ойбек, Миртемир каби мумтоз намоёндаларидан тортиб, бугунги кунда фаол ижод қилаётган ёшларгача жами 35 ижодкорнинг энг яхши асарлари таржималари жамланган. Улар Тошкент давлат шарқшунослик институти ўқитувчилари ва талабалари Шаҳодат Қосимова, Нилуфар Шокирова, Назокат

Яҳёева, Нодирбек Бердикобилов, Нўмонжон Мирзаев томонидан бевосита ўзбек тилидан корейс тилига ўгирилган. Жанубий Корейдан келган ўқитувчилар Ким Се Хек, Чу Су Енг, Нам Жон Хи ушбу таржималар бадий жиҳатдан юксак савияда бўлиши учун таржимонлар билан ҳамкорликда ишладилар.

"Қалбим сизга интилади" китобидаги ўзбек шеъриятдан намуналарни Андижон давлат университети хорижий тиллар факултети ўқитувчиси, шоира ва таржимон Бегийм Холбекова бевосита ўзбек тилидан англис тилига ўгирган. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси-

да бўлиб ўтган мазкур китоблар тақдимотида уюшма раисининг биринчи ўринбосари Сирожиддин Сайид, халқаро алоқалар ва бадий таржима кенгаши раиси Муҳаммад Али, Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги халқаро маданият алоқалар жамияти раиси Пак Канг Юнг, Корейс маданияти маркази раиси Владимир Шин сўзга чиқиб, ушбу наشرлар тимсолида Ўзбекистон ва Корея маданий алоқаларида янги саҳифа очилганини таъкидладилар.

Тақдимотда миллий шеъриятимиз намуналари корейс ва англис тилларида ўзгача оханг ва ифода билан жаранглади.

Ўз муҳбиримиз.

"ШАРҚ ТАРОНАЛАРИ" СОЛНОМАСИ



ҚУТЛОВ

2005 ЙИЛ

Самарқанд деганда, кўз ўнгимизда сирли ва улугвор Шарқ олами намён бўлади. Бу буюк шаҳар ўзининг икки минг йиллик шонли тарихи давомида қадимий цивилизациянинг ноёб намуналари, Шарқнинг бетакрор табиати ва ўлмас руҳини, унинг меъморлик санъати, бой маданиятини ўзида мужассам этиб, дунё аҳлининг эътиборини тортиб келмоқда, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Шунинг учун ҳам, мана, саккиз йилдирки, биз "Шарқ тароналари" деб ном олган, Шарқнинг қалби ва юрагини ифода этадиган, классик мусика санъатини асраб-авайлаш ва ривожлантиришдек олижаноб мақсадга хизмат қиладиган бу анжумани айнан мана шу фусункор шаҳарда ўтказиб келмоқдамиз.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг "Шарқ тароналари" бешинчи халқаро мусика фестивали очилиш маросимидаги табрик сўзидан.

Фестивалга дунёнинг элликдан ортиқ мамлакатидан иштирокчилар таширф буюрди. Ғолиблар Танг Бук университети профессори, таниқли мусикашунос Таг Ги О (Жанубий Корея) бошчилигидаги ҳакамлар хайъати томонидан аниқланди. "Шашмақом анъаналари ва замонавийлик" мавзуда ўтказилган илмий конференцияда кўплаб мусикашунос олимлар ва ижрочилар иштирок этди.

ЖАРАЁН

ҒОЛИБЛАР

Фестивалнинг олий мукофоти — Гран-прига муносиб номзодлар бўлмагани учун очик қолди.

Биринчи даражали мукофот Нодира Пирматова (Ўзбекистон) ва Айгун Бей (Озарбойжон)га топширилди.

Иккинчи даражали мукофотни Урнаа Чохар Туркчи (Мўғулистон), Италия ҳамда Кувайтдан келган санъаткорлар кўлга киритди. Учунчи даражали мукофотга Исроил, Корея Республикаси ва Бангладешдан таширф буюрган санъаткорлар сазовор бўлди.

Фозил Жамшидий, санъаткор (Эрон):

— Биз шарқликларнинг куй-қўшиқларимизга бирдек хос бўлган муаттар шаббодаси — бу садодир. "Шарқ тароналари" деб аталмиш бу гулистонга биз ҳам ўз гулдасталаримиз билан келдик. Эроннинг турли минтақаларига хос тўрт куйни ижро этдик. Мозандароннинг маҳаллий тили, шевасио лажҳасида шарқона қўшиқларни қуйлади. Ўзбек халқининг буюк шоири Амир Низомиддин Алишер Навоий ғазалларини "Магоме Моҳур" ва "Исфохон" йўлида ижро этдик.

Ҳироко Икедо, раққоса (Япония):

— Мен киотликман. Самарқанд ҳам худди менинг шаҳримдек тарихий ҳамда яшил шаҳар экан. Самарқанднинг табиати, одамлари, таомлари, айниқса, палови менга жуда ёқди. Самарқанд қизлари тўқиган каштаноти сотиб олдим. Бизда Шимоллий Японияда Шен қабиласи ҳам шундай кашталар тўқийди. Мен ижро этган рақс — саккиз юз йиллик тарихга эга. Ҳозир бу рақс Шимоллий Япониядагина сақланиб қолган. Бу фестивал менга эллиқдан зиёд халқлар орасида япон санъатини намойиш қилиш имконини берди. Ўзбекистон ҳукуматиға, фестивал қатнашчиларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

ЭЪТИРОФ

Истиқлол алоҳомлари

«УЧАР ОТ» ТИМСОЛИ

"Меҳринг билан яшаймиз, Ватан" кўргазмасида таниқли ҳайкалтарош Азамат Хотамов рақбарлигидаги "Азамат ва азаматлар" ижодий гуруҳи томонидан намойиш этилган "Учар от" композициясида рамзий тимсоллар тасвирланган.

Мустақиллигимизнинг йигирма йиллиги арафасида пойтахтимиз жамоли янада кўркамлашиб, ўзгача чирой очмоқда. Хусусан, янги иншоотлар, бинолар ва улар атрофида қад ростилаган маҳобатли ва дасттоҳли ҳайкаллар кўпаймоқда. Истиқлол йилларида алоҳида таълим муассасаси сифатида ўз фаолиятини бошлаган Камолдин Миллий рассомлик ва дизайн институти бош биноси олинди анъанавий услубда яратилган ана шу рамзий композиция ўрнатилди.

Қанотли от тимсоли дунёнинг деярли барча халқлари тасвирий ва амалий безак санъатида турли қўринишда ўз ифодасини топган. Ушбу образ дастлаб Шарқ афсона ва ривоятларида шаклланган бўлиб, юнонларнинг "Пегас"и ундан англоза олинб яратилгани илмда ўз тасдиғини топган. Ўзбекистонда эса бу тимсол чуқур мифологик фалсафий-этнографик мазмунга асосланиши билан алоҳида аҳамият касб этади.

Ўзбекистон тасвирий ва амалий санъати намуналари

Давоми бешинчи саҳифада.



ҚўШИҚ МАЪНОСИ ВА НАВОСИ БИЛАН СОЗ



Озодбек Назарбеков билан суҳбатлашганимизга беш йилдан ошди. Ўтган вақт ичиде юртимизда ҳам, санъаткорнинг ҳаёти ва ижодида ҳам катта ўзгаришлар юз берди. Истеъдодан хонанда дастлаб "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист", 2010 йил эса "Ўзбекистон халқ артисти" унвонларига сазовор бўлди. Давлатимиз томонидан хонанда ижодининг эътирофи этилиши, мухлислар ишончи ҳар қандай санъаткорга катта масъулият юклаши шубҳасиз. Шу боис суҳбат аввалида Озодбек Назарбековдан бу ишончининг моҳияти ҳақида сўрадим.

5

ОБУНА — 2011

Азиз газетхон!

Севимли газетангиз — «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»га йилнинг навбатдаги ойлари учун обуна давом этмоқда. Обуна туманларининг матбуот тарқатиш бўлиmlари, «Ўзбекистон почтаси» акциядорлик жамиятининг почта бўлиmlари, шунингдек, жамоатчи матбуот тарқатувчилар томонидан расмийлаштирилади. Тошкент шаҳридаги матбуот тарқатиш дўконлари орқали ҳам газетамизга обуна бўлишингиз мумкин. Хурматли муштарий, агар сиз «ЎЗАС»га вақтида обуна бўлсангиз ижодий мулоқотимиз йил бўйи давом этаверади.

Нашр кўрсаткичимиз — 222.

Маданий ҳаёт

Пойтахтимизнинг Ғафур Ғулом номидаги маданият ва истироҳат боғида "Келинг, бир кулшайлик" номи аскиячилар байрами бўлиб ўтди. Мустақиллигимизнинг йигирма йиллигига бағишлаб ўтказилган учрашувда Фарғонадан Муҳиддин Дарвешов номидаги "Кулгу" халқ миниатюра театри, Андижондан Муҳиддин Султонов, Мамасидик Алихонов каби машҳур аскиячилар, шунингдек, таниқли санъаткор ва шоирлар иштирок этишди. Тадбир истеъдодли ёш қизикчилар учун маҳорат майдонига айланди. Байрамга таширф буюрган кулгу мухлислари таниқли хонандалар ижросидаги қўшиқ ва ўланилардан баҳраманд бўлдилар.



